

Галаба муборак

**2018 йил 12 апрель куни
ТДСИда тиббиёт олий ўқув
юртлари ходимлари ўртасида
спорт мусобақалари бўлиб
ўтди.**

Унда тиббий олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари стол тенниси, волейбол, баскетбол, футбол спорт турлари бўйича мусобақада қатнашишди. Тошкент Тиббиёт академиясининг мини-футбол жамоаси барча ракибларини мағлубиятга учратиб, 1-ўринни эгаллади. Қизлар волейбол жамоаси 2-ўринни, эркаклар баскетбол жамоаси 3-ўринни эгаллашди. Мини-футбол жамоасини кўлга киритган ғалабаси билан табриклимиз. Голибларга мукофотларни ТТА ректори, Л.Н.Туйчиев топшириди.



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мудирлар

Тиббий профилактика
факультетига қарашили “Тиббий ва
биологик кимё” кафедраси

Тиббий профилактика
факультетига қарашили
“Эпидемиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига
қарашили “Педагогика ва
психология” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой
муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи.**

Тиббий педагогика факультетига
қарашили “Психиатрия ва
наркология” кафедраси

Олий маълумотли ҳамишира
факультетига қарашили
“Ҳамиширалик иши” кафедраси

Ассистент

Даволаши факультетига қарашили
“Асад қасалликлари” кафедраси



ТИББИҮТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 4 2018 YIL 24 APREL



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА


**Ўзбекистон Республикасида барча соҳалар
билин бир қаторда тиббиёт ҳамда таълим
соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар
борасида Тошкент Тиббиёт академиясида
ҳам бир қатор истиқболли режалар амалга
oshiрилмоқда.**

Халқаро муносабатларнинг ривожланиши асосида тиббиёт соҳаси ва таълим тизими бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган давлатларнинг ўзига хос стратегиялари, дастурлари, шу билан бирга амалга оширилган чора-тадбирларни ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш Республикасида юқорида қайд этилган соҳаларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратади.

Нуфузли халқаро ташкилотлар (хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти – ОЭСР) ва экспертларнинг фикрича, Осиё таълим модели Европа моделига қараганда анча мукаммал. Жумладан, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Тайвань (Хитой) дунёда энг яхши миллий таълим тизимида эга кўплаб мамлакатлар орасида (Финляндия ва Канада билан бир қаторда) пешқадамлик қилмоқда. Минтақанинг ушбу тўрт мамлакати айнан Осиё таълим модели туфайли дунёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилгани ҳам бу модель самарадорлигининг яна бир тасдиғидир.

Давоми 4-бетда.

Давоми 2-бетда.



**Мехнатидан элни баҳраманд қилган
одам – қадр топади.**



Хикмат

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR:
**TURDIQUL
BOVOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abduqodirova, D.Xudoqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007 yil 15 yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlarni uchun
mualliflar javobgardir

Beypul tarqatiladi

(Давоми. Боши 1-бетда) Конференция давомида қозғистонлик делегация вакиллари билан учрашув ташкил қилинди. Олиб борилган музикалар натижасида профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинуви, илмий-амалий тадбирлар ўтказиш, шу жумладан ТТА ва унинг филиалларида хорижий профессорлар иштирокидаги онлайн маъруза ва вебинарларни ўтказиш, кўшма ҳамкорликда ўкув адабиётлари ва фандастурларини яратиш, биргалиқда илмий изланишларни амалга оширишга доир масалалар кўрилди ва учрашув якунидаги Қозғистон университети билан ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Конференцияни ТТА ректори Л.Туйчиев очиб бердилар ва барча маърузачиларга омад тиладилар. Тадбирда маърузалар, пленар йигилишида, хирургия ва терапия йўналишлари бўйича тармоқларда, шунингдек, постер маърузалар бўлиб ўтди. Иктидорли магистр ва талабаларимиз инглиз, рус ва ўзбек тилларида маърузалар

қилишди. Уларнинг маърузалари қизиқарли савол-жавоблар ва баҳс-мунозараларга бой бўлди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан маърузачилар баҳоланиб уларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тиббиёт соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш дунёнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш, таълим тизимининг янада ривожланишига, хорижинг илфор инновацион ёндашувларини амалиётта тадбиқ этиш ва ўзаро тажриба алмашиниш учун имкониятлар яратади, бу эса ўз навбатида ахолига кўрсатилаётган тиббиёт ёрдам хизматини халқаро стандартларга мос даражага етказишига олиб келади.

Ушбу конференцияда қатнашган барча тингловчилар жуда кўплаб соҳага оид янгиликларга эга бўлдилар. Шу каби тадбирлар талаба-ёшларимизни келажақда ватанимизга ва ўз соҳасида яхши мутахассис бўлиб етишишида катта аҳамият касб этади.

ТАЪЛИМ СИФАТИ МУАММОЛАРИ ПЕДАГОГ НИГОҲИДА

“Илмни Чин-Мочинга бориб бўлса ҳам ўрган”, – дейилади ҳадиси шарифларда. “Дунёда турмок учун дунёвий илмларни ўрганмоқ лозим, замона илмидан бебаҳра ҳалқлар ўзгалар оёғи остида поймой бўлур”, – дейди маърифатпарвар бобокалонимиз Абдулла Авлоний. Бу таҳлилдаги ҳадислар, донолар бисотидаги қанотли ибораларни сон-саноқсиз кептиришимиз мумкин. Сўнгти йилларда ўтара ва олий таълим миассасаларида таълим ва тарбия сифатини ошириш бўйича Президентимизнинг қатор фармонлари чиди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўтара таълим вазирлиги, Соглиқни саклаша вазирлиги томонидан бўлгуси тиббиёт ходимлари назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, қўнималарини сифатини эгаллаш бўйича кеярларига имзо чекилди.

Нуғузли Академиямиз ректорати, деканати томонидан таълим ва тарбиянинг устувор йўналишлари ўрганилиб, қатор ижобий ислоҳотлар ўтказилди. Булар узоқ йиллар мобайнида профессор-ўқитувчиларни пахта ҳашарига жалб қилишга барҳам берилиши, турли-туман зарур-нозарур шанбаликлар ва кўшимча юкламаларни олиб ташлаш, таълимнинг 7 йилдан 6 йилга тушириши, таълим жараёнда тест иштирокининг камайтириши, бўлгуси тиб ходимларини имкон даражасида клиникага, реал ишлаш шароитига яқинлаштириш, кафедраларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, мебель билан таъминлаш кабиларда мұжда бўлди. Албатта, буларнинг ижобий самараси бугунданоқ куртак бериб, яқин келажақда яққол намоён бўлади.

Аммо, ютуқларимиз билан бирга бир қатор мулоҳазага сабаб бўлувчи айрим курсар ва камчиликларимиз ҳам мавжудки, улар албатта юқори ташкилотар томонидан кўриб чиқилиши ва ойдинник киритилиши лозим.

Биринчидан, болалар хирургияси борасида гапирадиган бўлсак, курснинг асосий кисми жойлашган бино авария ҳолатида бўлиб бугуни кун талабига аспо жавоб бермайди, бундай шароитда таълим сифати ҳақида гапирамаса ҳам бўлади. Иккинчидан, болалар хирургияси ва урологиясидан ёзилган адабиётлар маънавий жиҳатдан мутлако эскирган бўлиб, уларни янгилаш давр талаблариданди. Уч йил муқаддам мен замон талабларидан келиб чиқкан ҳолда болалар хирургияси ва урологиясидан дарслик мурасими мурасими таълими таҳлили каби унчалик нозарур фанлар ўрнига тиббий деонтология, касб этикаси ва психологияндан соатлар кўпайтирилиши лозим.

Албатта юқорида кептирилган жузъий камчиликлар жиддий характерда бўлмасдан, менинг хусусий мулоҳазаларимид. Аммо, фикри ожизимча уларни мұхокама қилиш ва мулоҳаза билдириш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, Президентимиз ўз чиқишиларида аҳоли фаровонлигини яхшилашга, таълим-тарбия сифатини оширишга қартилган ҳар қандай таклиф безътибор қолмаслиги шартлиги хусусида кўп марталаб айтиб ўтмоқда.

Алиқон ЗОХИДИЙ,
Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар
уюмаси аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди,
олий тоифали жароҳ



Ҳалол меҳнатдан яхши фазилат ўйқ.



Ҳ



ЁШЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда “Ўзбекистон келажагига мен ҳам масъулман!” мавзусидаги анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир “ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро ҳайрия жамоат фонди, “Мехр ва муруват” жамоат фонди, Олмазор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда халқимизнинг умумхалқ байрами Наврӯз шукухи остида ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари ўкув муассасасининг ям-яшилликка бурканиши, субҳидамда қушларнинг шўх-шодон чуғурлашлари ҳар бир кишининг кўнгил торларини чертиб ўтади, – дейди лицейнинг 2-босқич ўкувчиси Фотима Йўлдошхўжаева. – Биз соғинган баҳор юртимиз бўйлаб кезмоқда. Ташкил этилган “Ўзбекона анъана ва қадриятлар” деб номланган мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, Қорақалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳри кўргазмасини катта қизиқиш билан томоша қўлдилар. Айниқса, Россиянинг Иркутск Тиббиёт институтидан ташриф буорган меҳмонлар ўзбекона ўрф-одатларимизга катта қизиқиш билдириганини гувоҳ бўлдик. Мазкур тадбирда биз Навоий вилоятининг ўзига хос ўрф-одатларини акс этиришга ҳаракат қилдик. Ҳар бир ўзи яшаб турган юртининг ўрф-одати ва қадриятларини тайёрланган ҳамда Олий ва ўтара максус таълим вазирлиги мутахассислари томонидан матькулланган “Экология асослари” ўкув кўлланмасининг тақдимоти ҳам ўштирилди.

Қатнашчилар лицейнинг “Ёшлар экологиқ боғи”га 12 йил аввал асос солишида иштирок этган “Нуроний” фонднинг фахрий аъзолари – Тошкент Педиатрия тиббиёт институти профессори, академик Э.Турсунов, “ЭКОСАН” ва “Мехр ва муруват” жамоат фондлари раис ўринбосарлари, академик К.Жўраев ва профессор А.Юнусов ва бошқа меҳмонлар бошчилигида “ЭКОСАН” фонднинг “Анъаналарни тикла – дарахт эк!” шиори остида дарахт кўчатлари экдилар. Расмлар ва

иншолар кўрик-танлови кўргазмаси ҳамда янги технологиялар асосида жиҳозланган ўкув хоналари ва лабораториялар билан танишдилар, педагоглар билан мулоқотда бўлдилар.

Иштирокчилар этиборига мазкур лицейнинг ва “ЭКОСАН” фонднинг бир қатор эколог-олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фондининг давлат ижтимоий буортмаси доирасидаги “Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини арабавлиш, аҳоли ўртасида айниқса ўшларимизнинг экологик маданияти, онги ва дунёқарашибарини шакллантиришда кўргазмали тарғибот материалыдан кенг фойдаланиш” лойиҳаси асосида чоп этилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун мўлжалланиб тайёрланган ҳамда Олий ва ўтара максус таълим вазирлиги мутахассислари томонидан матькулланган “Экология асослари” ўкув кўлланмасининг тақдимоти ҳам ўштирилди.

Анжуманда йигилгандарга “ЭКОСАН” фонднинг “Электр энергиясини тежа!” ва Орол ҳақидаги “Харитага номи кирмаган саҳро” хужжатли видеороликлари намойиш этилди. Экологияга оид ўтказилган кўрик-танлов голибларига фахрий ёрлиқ ва совғалар тақдим этилди.

Диёр ЖАББАРОВ.



Табиат – мўъжизалардан иборат.



Ҳ

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСТУВОР ВАЗИФА

Бугун мамлакатимиз хуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мустақиллик йилларида ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш борасида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилди. Демократик жамиятнинг эркин муносабатлар негизини белгилайдиган, миллий тараққиётимиз талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган Конституциямизнинг яратилгани, кўплаб қонун ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилингани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга жамиятимизда хуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш ҳамда суд-хуқуқ тизимида эскидан қолган турли тамойиллар ва қарашлардан воз кечган ҳолда ислоҳ қилиш мақсадида мамлакатимиз Президенти томонидан бир қатор Қарор ва фармойишлар, Олий Мажлис Сенати ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, эркин фуқаролик жамиятнинг шаклланниш жараёнида хуқуқий маданиятнинг ўрни ва мавқеи бекиёсdir. Чунки, қонун устувор бўлган демократия шароитида хуқуқий маданият жамиятдаги мавжуд муносабатлар сифати ва моҳиятини белгиловчи асосга айланади. Хуқуқ ва хуқуқий маданият бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ҳар бир фуқаро хуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, хуқуқ ва қонунчилик устуворлигини тан олса давлатда тартиб, жамиятда ривожланиш бўлади. Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари ўртасида бир суз билан айтганда, ҳар бир фуқарода хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда уни юксалтириш борасида мустақиллии йилларида юқорида айтиб ўтилган ўнлаб қонун ҳужжатлари, фармойиш ва қарорлар билан бирга юзлаб конференция ҳамда ўқув-семинарлар ташкил қилинмоқда-ки, буларнинг барчасидан асосий мақсад хуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган.

Тошкент Тиббиёт академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятычиликка қарши курашиб тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича бир қатор юқори даражадаги тадбирлар ташкил этилмоқда-ки, бу бевосита талаба-ёшлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятычиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, “Хуқуқбузарликлар ва жиноятычиликка қарши кураш – барчамизнинг вазифамиз ва бурчимиз”, “Ёшларни хуқуқбузарлик ҳолатлари рўй беришининг олдини олиша милий қадриятларимизнинг ўрни ва роли”, “Жиноятычилик ва хуқуқбузарликка қарши барчамиз масъулмиз”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар” каби мавзуларда талабалар турар жойларида, факультетлардаги ўкув бинолари запларидан ҳамда академияда мунтазам равишда ташкил этилиб келинаётган “Маннавият ва ахборот” соатлари, семинарлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Хуқуқбузарликлар ва жиноятычиликка қарши профилактика куни” деб эълон килиниши муносабати билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни академияда мавжуд 5 та ТТЖларда “Хуқуқбузарликлар

ва жиноятычиликка қарши”, “Ёшлар ўртасида жиноятычилик ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш”, “Жиноятычилик ва хуқуқбузарликлар – жамият тараққиётiga заар” ҳамда мамлакатимиз Президентининг “Хуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятычиликка қарши курашиб тизимини янада таомиллаштириш тўғрисидаги” қарорининг мазмун-моҳиятини талаба-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда. Ташкил этилаётган тадбирлар Тошкент шаҳар ИИБ, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ ва Тошкент шаҳар Олмазор тумани прокуратуруси билан ҳамкорлик асосида йўлга кўйилган.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз таълим тизимида ҳам хуқуқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият ҳаётининг барча бўғинларида хуқуқий тарғибот масаласи устувор йўналишлардан саналмоқда. Айтиш мумкинки, сўнгги йиллар ичida кўрилган чора-тадбирлар бесамар кетмади. Катта авлод вакиллари, устоzlаримизнинг эътироф этишича, бугунги юртошлимишиннинг хуқуқий билимлари, хуқуқий маданияти даражаси сабиқ шўро давридагига нисбатан сезилари даражада ўсган.

Хуқуқий тафаккурнинг биринчи шарти ва зарурати инсоннинг озодлиги ва яна бир шарти ва зарурати ўзига хос демократик муҳитнинг мавжудлигидир. Бугун мамлакатимизда ана шундай муҳит шаклланиб, инсоннинг барча хуқуқлари ва эркинлиги таъминланмоқда, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар қонуний асосда ривожланиб бормоқда.

Зеро, биз буюк келажак барпо этиш, тараққиётга эришиш йўлида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини ҳар томонлама юксалтириш, етук кадрлар тайёрлаш, ҳалқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ўстириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тутувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш каби масалаларни бош мақсадимиз қилиб белгилаганмиз.

**Л.МАҲМУДОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси “Маънавият
ва маърифат” бўлими услубчиси, хуқуқбузарликлар
ва жиноятычиликка қарши кураш йўналиши бўйича масъул**



Табиат – билимлар хазинаси.



Хикмат

АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ СОҲИБИ

Амир Темур – ҳалқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов маънавий тикланиш ва янгиланиш ислоҳотларини улуғ аждодларимизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қурди. Бунинг самарасида ҳалқимиз ҳар йили Соҳибқирон таваллуд топган кунни улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида кенг байрам қилиб нишонламоқда.

Темурнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзиди. Мустақилликка эришганимизга қадар буни амалга оширишнинг имконига эга эмас эдик. Чунки коммунистик фоя бунга йўл бермасди. Амир Темурнинг ўзи таҳқирланиб, тұхмату маломатларга қолди. Мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан улуғ бобомиз Амир Темурнинг өрганиш имконига эга бўлди

“Улуғ аждодларимизга эҳтиром мавзуусида” 9 апрель куни Тошкент Тиббиёт академиясида бобомизнинг таваллуд кунлари барча факультет ва кафедраларда кенг қарорларидар. Ҳаётинида ҳамроҳимиз ва дастуримизга бўлсин!” деган чукур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”, деган эзгу даъвати улуғ аждодимиз хотирасига кўрсатилаётган улкан эҳтиромнинг бардавомлигидан далолат. Амир Темур Оқсанор пештоқининг олд томонида “Адолат – давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиоридир”, деган ёзувни ёздирган, бу хикматга, аввало, ўзи амал қилган.

Унда профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар ва темуршунос олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этиди. Амир Темур нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки, ўз вақтида Осиё ва Европа китъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизацияси ривожига бекиёс хисса қўшган буюк бунёдкор бўлганини таъкидлайди.

Амир Темур Евроосиё худудида улкан салтанат барпо қилган Амир Темур шахси ва фаолиятига қизиқиши ҳалқаро майдондан тобора ортиб бормоқда. Бу беназир зотнинг қандай замин ва тарихий шароитда ўсиб-улгайгани, қай тарика шундай юксак чўқиларга кўтарилигани, давлат арбоби, енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳаёда шарқ ва ғарб тилларида бир ярим мингдан ортиқ асар битилган. Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Амир Темур феноменини англаш, холоси ва ҳақоний ёритишига фақат мустақиллик туфайли кенг йўл очилди.

1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили бўлди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги ҳалқаро миқёсда кенг нишонланиди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарағифа орден таъсис этилди. 2011 йили Ислом Каримов тақлифи ва сўзбошиси билан “Темур тузуклари” асари мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Бугун мамлакатимизда кенг тайёрлаш, ҳолда оширилаётган

кенг қарорлар ислоҳотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараси ва тутумларига моҳияттан уйгундир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида «Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг өрганиш имконига эга бўлди



хабар олинг, ҳалқ дардига дармон бўлинг, деган ва бунга қатъий амал қилган, ҳалқнинг фаровонлиги, тинчлиги ҳаёда қайғурган, қайси юрга борсалар ўша юрти обод этиб, боғлар, хиёбонлар барпо этиган.

Амир Темур бобомиз ҳаёда қанча гаирисак кам, чунки саркарда, қонуншунос, истеъоддоди меъмор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, ҳалқини севган ва уни жаҳонга машҳур қилган инсон.

Албатта, ота-боболаримиз билан ҳар

қанча фахрлансак кам. Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини кўшган буюк саркарда.

Президентимиз 2017 йил 5 июлда “Ёшларга оид давлат сиёсати самародорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармонни қабул килиши ҳаётимизда мухим воеқа бўлди. Фармон бандларидан бирорда “Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватангга садоқат, эл-юрти ардоклаш, мардлик, фидойлик ва адлатларварлик каби юксак фазилатларни ёш авлодга ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, Республикаининг барча ҳарбий лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилди ва ҳалқимиз бу фармондан жуда миннатдор бўлди.

**Ҳабиба НУРБОЕВА,
Маънавият ва маърифат бўлими
услубчиси,
Гавхар ХАЙДАРОВА**



Мехнат – инсонни улуғлайди.



Хикмат

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби Жанубий Корея ҳам конфуцийлик меросига эга бўлган ҳолда, расмий таълим тизимининг узоқ ўтмишига эга. Бошлангич таълим тизими мактаблари Чосон сулоласи хукмонлик қилган даврларда ёт ташкил этилган эди. Бундай мактаблар сифати талаб даражасида эмаслиги сабабли XVI асрда мавкеига кўра академиялар – “совонлар”, неоконфуцийлик тиклани марказларига айлантирилди. Талabalар ўша вақтларда ҳам ҳарбий хизматдан озод этилганлар ва ҳозирги кундагидек ижтимоий имтиёзларга эга бўлганлар.

Жанубий Корея таълим тизимининг ривожланиш босқичларини беш даврга бўлиб кўриб чиқиш мумкин: Индустрластиришгача бўлган давр: 1945-1960 йиллар. Халқ таълими тизимининг кенгайиши: 1960-йиллар. Касб-хунар таълими тизимининг яратилиши: 1970-йиллар.

Илмий-техник ходимлар сонининг ошиб бориши: 1980-йиллар.

Мехнат бозори ўзгарувчанлиги даври: 1990-йиллар.

Корея Республикаси таълим тизимининг институционал таркиби: Корея Республикасида яхши маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг муваффақиятиларини қарьерасининг қарор топишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, олий ўқув юртига кириш юкори даражали нуфузга эгадир. Корея давлат маъмурӣ органлари боланинг илк ўқиш давридан бошлаб, олий таълимнинг сўнгги йилинча бўлган давр давомида бутун таълим тизимини аниқ равишда тартибга солиб ва бошқариб турдилар. Корея таълими тизимида математика, корейс ва инглиз тилларига, аниқ ва ижтимоий фанларга алоҳида эътибор қаратилади. Жисмоний тарбия машғулотлари мамлакатда иккинчи даражали аҳамиятга эга. Барча таълим муассасаларида юкори тезликтаги Интернетга уланиш таъминланган. Ўқув йили иккى семестрга бўлинган бўлиб, биринчиси марта бошланади ва июль ўрталарида тугайди, иккинчиси эса кеч августда бошланиб, февраль ўрталарида ниҳоясига етади. Ўқув йили қатъий тарзда белгиланмаган ва бир муассасада бошқасидан фарқ қилиши мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ асосида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда авваламбор таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим турлари ва уларни янада ривожлантириш энг муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишини ҳаётӣ заруратга айлантириди.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири мазкур соҳада ҳалқаро ҳамкорлик масалалари ҳисобланади. Унинг мақсади Ўзбекистон таълим тизимини жаҳон таълим мақонига интеграциялашуви ҳисобланади. Таълим соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳалқаро битимлар, шартномалар ва конвенциялар асосида амалга оширилади. Таълимни ислоҳ қилишда жаҳон стандартларини асос қилиб олган ҳолда, таълимнинг давлатни ривожлантиришдаги тутган ўрнини аллақачонлар тушуниб етган ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш зарур.

Давоми 5-бетда.



Ер – ҳазина, сув – олтин.



Ҳикмат

Давоми. Боши 1, 4-бетларда.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни катта масофа ажратиб турди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустаҳкам дўстлик ришталари, ҳалқараримизни тарихий маънавий яқинлик боғлаб турди. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шериларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киригтан сармояси 2 миллиард АҚШ долларидан ошиди. Айниқса, нефть-газ, кончилик, нефть кимёси, логистика, қуриши, таълим соҳаларида йирик лойиҳалар бор.

Мамлакатимизда Корея Республикаси таълим тизимини модернизация қилиш тажрибасини қўллаш ижобий натижаларга олиб келиши муқаррардир. Корея Республикаси Осиё-Тинч океан минтақасининг ўзига хос мамлакатларидан бири сифатида бир қатор тадқиқчиларнинг дикқатини жалб этиб келмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, бу давлат постиндустриал цивилизациянинг ютуқларини ўзлаштирган ҳолда, ўзининг анъанавий маданиятини сақлаб қолишига интилоқда ва сиёсий ҳамда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни ўз маданияти, анъанавий қадриятлари ва Шарқ дунёқарашлари билан уйғунлиқда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. ЮНИСЕФ эксперлари томонидан мазкур мамлакатнинг таълим тизими саноати ривожланган мамлакатлар қаторида энг самарали деб баҳоланганди. Корея Республикаси ҳукумати таълим тизимидаги синовдан ўтган ва жуда ҳам самарали ҳисобланган сиёсатни олиб бормоқда. Кореяда мактабларни компютерлаштириш ва Интернет тармоғига эркин уланишини таъминлашга катта эътибор қаратилади. Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш вазияти қарор топмоқда. Таълим муассасаларини ахборот технологиялари билан жадал таъминлашга давлат томонидан катта молиявий маблағлар ажратилмоқда. Мактабларни керакли жиҳозлар, дарслеклар ва спорт анжомлари билан таъминлашга катта эътибор билан қаралмоқда. Дарс беришнинг янги интерактив усусларидан фойдаланилмоқда, янги замон та-

лабарига мос бинолар қурилмоқда, баъзи илар и таъмирланмоқда. Бирор шунга қарамай, баъзи бир муммаларни ҳал этишда, мактаб тизимини қайта қуришнинг стратегик режаларини ишлаб чиқишида, молиялаштириш масалаларида хориж тажрибасини жорий этиш замон талабидир.

Тошкент Тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректор ва атроф-муҳит гигиенаси кафедраси, таълим сифатини назорат қилиш бўлими ҳамда ҳалқаро бўлим ходимлари Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрига ташриф буюрдилар. Ташриф давомида Сеул университети, Корея университети ва клиникалари фаолияти билан яқиндан танишилар. Ташриф давомида ҳалқаро грант лойиҳаси доирасида ташкил этилган конференция ва семинарларда Тошкент Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ва Корея университети профессорлари ўз маърузлари билан қатнашдилар. Шу билан бирга тиббиёт соҳаси, таълим соҳаси, лицензия олиш тизими, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасида семинар-тренинглар ўтказилиб, ТТА ходимлари ўз малакаларини оширидилар.

Илмий конференция ва семинарлар давомида Жанубий Кореяда ўтказилган ислоҳотлар, тиббиёт таълим соҳасидаги ўзига хос хусусиятлар, илмий-тадқиқот ишларининг амалга оширилиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббиёт хизмат кўлами ва сифати, мутахассисларнинг фаолияти олиб бориши учун имкон яратувчи лицензия олиш жараёни, тиббиёт суғурта тизимининг жорий қилиниш босқичлари, симуляцион марказининг аҳамияти ва у ерда амалга оширилаётган жараёнинг, яъни талабаларнинг амалий кўнижмаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар, имтиҳон жараёни билан танишилди. Хусусан



бутун дунёда глобал муммалар қурилмоқда, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича бир қатор муммалар мумкомуна килинди ва амалга оширилган ишлар, истиқболли режалар бўйича фикр алмашинилди.

Жанубий Кореяning таълим билан фаннинг интеграциялашви соҳасида олиб бораётган фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Бу мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини ўтказиш учун замин яратиб беради. Кореяда яна бир нарса муҳимки, мамлакат хориж тажрибасидан кенг фойдаланади, чет эллик олимларни ўзига жалб этишга ҳаракат қиласи. Хуласа қилиб айтадиган бўлсак, нафақат Корея Республикаси тажрибасини, балки жаҳоннинг бошқа илгор мамлакатларининг таълим соҳасида олиб бораётган сиёсати тажрибасини кўллаш мақсадга мувофиқидир. Буғунги кунда таълимни харажат қиливчи соҳа эмас, балки жамиятнинг энг муҳим ишлаб чиқарувчи кучига айлантириш лозим. Яъни таълим рақобатбардош бўлиши, жиддий молиявий маблағларни ўзига жалб эта олиши керак. Бошлангич мактабнинг биринчи поғонасидан бошлаб таълимни иқтисодиётни, умуман давлатни ривожлантиришга ўйналтириш лозим. Фақат билим олиш билан чекланиб қолмай, балки олинган билимларни амалиётда кўллаш ва жамият ҳаётида фойда келтиришига ҳаракат қилиш зарур.

Ш.БОЙМУРАДОВ,
TTA ўқув ишлари
бўйича проректор
Л.АБДУРАҲИМОВА,
TTA таълим сифатини назорат
қилиш бўлими бош мутахassisasi



Ҳаётнинг илдизи ерга қадалган.



Ҳикмат